
ВИЛОЯТДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН КЕЧ СОАТЛАРДА ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ижтимоий тармоқларда вилоятимиздаги олий таълим муассасаларининг кечки таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар ўқишдан қайтишда жамоат транспорти йўқлиги сабабли қийналишаётгани ҳақида хабарлар эълон қилинди.

Ушбу масала вилоят ҳокимлиги томонидан назоратга олиниб, бугун вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов томонидан вилоятдаги олий таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда транспорт соҳаси масъуллари иштирокида видеоалоқа шаклида йиғилиш ўтказилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан барча ОТМлар раҳбарларига кечки соатларда уйга қайтадиган талабаларнинг бориш йўналишлари бўйича тезкор ҳисоб-китоб қилиб, умумлашган маълумотларни вилоят ҳокимлигига тақдим этиш вазифаси топширилди. Олинадиган маълумотлардан келиб чиқиб, ҳар бир олий таълим муассасасидан қайси йўналишда нечта автобус қўйилиши белгиланади. Вилоят транспорт бошқармаси томонидан вилоятдаги транспорт хизмати кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда, етарли автобуслар қўйилиши таъминланади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-22 10:22:51